430.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 238 (6356). • 9 декабрь, 1978 йил • ШАНБА • Баҳоси 2 тийин.

УЛКАН ХИРМОНГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ?

Бўка—69,2 минг тонна
Бекобод—65,1 минг тонна
Ғалаба—58,1 минг тонна
Оққўрғон—53,3 минг тонна
Ўрта Чирчиқ 46,2 минг тонна
Пискент—41 минг тонна
Янгийўл—34,9 минг тонна
Чиноз—33,7 минг тонна
Коммунистик—28 минг тонна

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ ЭРИШИЛГАН ҒАЛАБА

ПАХТА етиштириш учун об-ҳаво бу қадар қийин келган йилни эслаш қийин. Эрта баҳордан кеч кузгача табиат инжиқликлари билан курашишга тўғри келди. Бироқ, мардонавор меҳнат қилган Тошкент область пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар. Она-Ватан хирмонига 430 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этилди. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан 14 минг тонна кўпдир.

Давлатга пахта сотиш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилишида ипатоволиклар тажрибаси асосида терим-транспорт отрядларининг ташкил қилинганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу пахта териш техникасидан самарали фойдаланиш, область бўйича жами етиштирилган ҳосилнинг 78 процентини «зангори кема»лар бункерларидан тўкиш ва ҳар бир терим машинасининг иш унумдорлигини 119 тоннага етказиш имконини берди.

Катта меҳнат ғалабасига областнинг районлари муносиб ҳисса қўшдилар. Эл хирмонига бўкаликлар 69,2 минг тонна, бекободликлар 65,1 минг тонна, ғалабаликлар 58,1 минг тонна, оққўрғонликлар 53,3 минг тонна, ўртачирчиқликлар 46,2 минг тонна, пискентликлар 41 минг тонна, янгийўлликлар 34,9 минг тонна, чинозликлар 33,7 минг тонна, Коммунистик райони пахтакорлари эса 28 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Ғалаба райони пахтакорлари ҳар гектар майдондан 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Чиноз, Коммунистик, Янгийўл, Бўка районларининг пахтакорлари ҳар гектар майдондан 36,5 — 32 центнердан хирмон кўтаришди. Коммунистик, Ғалаба, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Чиноз, Бўка районларининг хўжаликлари етиштирилган жами ҳосилнинг 86 — 80 процентини механизмлар ёрдамида йиғиштириб олдилар.

Йиғим-терим қаҳрамонлари орасида ҳосилдорликни гектар ҳисобига 47 — 35 центнерга, машина терими салмоғини 80—90 процентга етказган Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номли, Ғалаба районидаги «Победа», Энгельс номли, Ленин номли, «Заря коммунизма» колхозлари, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Чиноз районидан Охунбобоев, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Янгийўл районидан Х. Турсунқулов номли, Ленин номли, Коммунистик районидан «Политотдел», «Правда», Пискент районидан «Гулистон» колхозлари ва бошқа хўжаликлар бор.

Бугун биз социалистик мусобақада олдинги сафда борган, қийинчиликларни мардонавор енгиб, мўл ҳосил етиштирган ва уни нобуд қилмай йиғиб-териб олган пахтакорларнинг номини қувонч билан тилга оламиз. Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоздан Маҳмуд Ўринбоев, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздан Пўлат Асроров, Ражаб Маҳкамов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Ўртачирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан Рихсибой Шерматов, Батал Нуриев ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар мавсумда пахта териш машинасини юксак унум билан ишлатиб, 200 — 250 тоннадан пахта тердилар. Илғорлар намунаси дала меҳнаткашларини руҳлантириб юборди. Областнинг 630 нафардан ортиқ механик-ҳайдовчиси мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 200 тоннага етказиб ва ундан ҳам ошириб «оқ олтин» тўкди.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари рекорд натижаларга эришдилар. Бу ерда мавжуд 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60,1 центнердан хирмон кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 91 процентдан кўпроғи механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Турсуной Охунованинг ўзи «зангори кема» бункеридан 459 тонна «оқ олтин» тўкди.

Областнинг давлатга пахта сотиш мажбуриятининг бажарилишида барча шаҳарларнинг ва район марказларининг корхоналари, ташкилотлари, ўқув юртлари коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар пахтакорларга ёрдам қўлини чўзиб, ҳосилни йиғиб-териб олишда самарали меҳнат қилдилар. Шунинг учун ҳам область пахтакорларининг меҳнат ғалабаси Тошкент шаҳри, пойтахт области барча меҳнаткашларининг ғалабаси, деб тўла асос билан айта оламиз.

Бутун йил давомида бўлгани каби ҳозир ҳам об-ҳаводан мурувват кутаётганимиз йўқ. Ҳаво паст, ёғингарчиликнинг кети узилмаётир. Лекин ҳосил учун кураш ҳамон давом этмоқда.

«Далалардаги ҳосилнинг сўнгги граммларигача йиғиштириб оламиз!» Пахтакорлар шиори ана шундай.

Она-Ватан хирмонлари Ўзбекистон «оқ олтин»и билан тўлиб-тошганида биз Совет давлатига берган сўзимизнинг устидан чиқдик, деб айта оламиз. Узбек пахтакорлари, шу жумладан, пойтахт области меҳнаткашлари ҳамиша Ватанни ўз меҳнатлари билан қувонтирганлар.



«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 8 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён. тўртинчи устун — шу жумладан, мавсум бошидан буён машинада терилгани):

БЎКА	0,29	111,43	107,30
ЧИНОЗ	0,16	108,37	110,05
ҒАЛАБА	0,08	107,11	106,76
ЯНГИЙЎЛ	0,18	105,32	105,14
БЕКОБОД	0,24	105,29	100,00
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,07	103,57	105,55
КОММУНИСТИК	0,06	101,66	101,54
ПИСКЕНТ	0,50	100,11	81,20
Оққўрғон	0,39	89,00	89,07
Область бўйича:	0,23	103,20	100,97

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ VII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари область Советининг VII сессияси 1978 йил 26 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Область Советининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

— Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1978 йилдаги иши ҳақида.

— Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани тўғрисида.


— Тошкент областининг 1979 йилги маҳаллий бюджети ва 1977 йилдаги маҳаллий бюджетининг ижроси ҳақида.

— Халқ депутатлари XVI чақириқ область Совети депутатларининг сайловчилар наказларини бажаришлари тўғрисида.

Область ижроия комитетининг раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари
Ҳ. УМАРОВ.

Тошкент шаҳри,
1978 йил, 8 декабрь.



ПАХТАМИЗНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛДИРМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

ПАХТАКОРИМ, БАЛЛИ, ЖАСОРАТ-МАТОНАТИНГГА,

ТОШКЕНТ ЗАФАРИ

Элчи сабо ғалабангдан келтирди дарак,
Ҳей, тошкентлик пахтакорлар, зафар муборак!
Ватан бўйлаб тараларкан бу қутлуғ хабар,
Қутлаш учун сўз тополмас дўсту биродар.
Иш суръатин кундан-кунга баланд кўтариб,
Алп қолвондек одимладинг, йўқ сенга таъриф.
Ҳа, мислсиз улкан одим отдинг, Тошкентим,
Аҳдга вафо нашъасини тотдинг, Тошкентим,
Инжиқлашган табиатдан юрмадинг нолиб,
Барча ташвиш, заҳматлардан келдинг сен ғолиб,
Чавандозга жон киргандек — бўлса кўпкари,
Майдон аро меҳнат отин сурдинг илгари.
Чавандозлик удуми, бу — зафарга пойдор —
Қувонч билан қучоқлашиб кўришмак дийдор.
Зафар билан дийдорлашиб турибсан бугун,
Севинчлардан меҳнат аҳлин чеҳраси гулгун.
Қадимий Шош, пойтахт шаҳрим, қучган зафаринг
Эшитаркан, ҳатто тонг ҳам айтиб офарин,
Ол шафақин ялов қилиб кўтарди баланд,
Зафар туғи шафақдан ҳам юксакдир гарчанд.
Қаранг ахир, кўкин ўпар уйилган хирмон,
Букун олам олқишлардан чайқалган уммон:
Дарахтларнинг шохларида барглар эмас, йўқ,
Гуррос олқиш қарсагидан сачрамоқда чўғ;
Тонгга жодир ғалабанинг мазмуни, мағзи,
Осмон эса тантанавор карнайнинг оғзи;
Уфқ узра аста балқиб жилмайган қуёш —
Қувонган кўз косасидан қалқиб чиққан ёш;
Йўқ, самода қулган умид чорлаб турибди,
Тошкентликлар табассуми порлаб турибди!..
Лекин ушбу порлоқ умид, музаффар айём,
Ўз-ўзидан келгани йўқ, ҳаммага аён...
Шу шодиёна ортига бир боқсанг қайрилиб,
Қанча ташвиш ажиб янглиқ турар жийрилиб.
Кеч кузакда бобо деҳқон қўлин куҳ-куҳлаб,
Жиловни муз «пўлат от»ни тун-кун чуҳ-чуҳлаб,
Она замин юрагига қўлини солди,
Шудгор қилган даласида ухлаб ҳам қолди.
Оёқ чўзиб ётгани йўқ ҳаттоки қишда,
Экишгача бўлган ишни этди сариштa.
Турли ташвиш келтирганда турланган кўклам,
Гоҳ мурувват кутиб ердан, гоҳида қўқдан.
Чанг қоришган қора тердай сочилди чигит —
Тупроқ аро тафт излади жунжиккан умид.
Тафт бўлмаса, нур бўлмаса қандоқ урар ниш,
Эҳ, осонми ҳароратсиз қобиқни ёриш?
Деҳқон кўнгли минг алағда — кўчат кутади,
Кун санайди об-ҳаво-ю фурсат кутади.
Унинг учун шамс жамоли — ягона ният,
Дарғ тутди марҳаматин аммо табиат.
Тўсса ҳамки кўк юзини булут қорайиб,
Лекин унга кўринмади дунё торайиб.
Офтоб ўзин кўкда пиҳон тутган паллада,
Қуёш қилиб бор-йўқ меҳрин тўкди далага.
Чиқиб келди тупроқ ёриб шунда чигитлар —
Гўё бошга папах кийган довқур йигитлар.
Тизилдилар гўё ғолиб аскарлар эди,
Ҳам қуёшдан, ҳам деҳқондан дарс тинглар энди.
Аммо бирдан жала қуйди... Деҳқонни кўргил:
Қад букмади, ёш тўкмади, бузмади кўнгил.
Ғайратига минг бир ғайрат қўшилиб кетди,
Қайта экди, майибларин парвариш этди:
Илдиз отди, қад ростлади, чиқарди қулоқ,
Уваланди, мағлуб бўлди тўсиқ — қатқалоқ.
Энди улар бор пайкални тутдилар яйраб,
Тонг қушлари устларида учдилар сайраб.
Қарчигайдай лобар қизлар, шунқор йигитлар
Ғазабидан қуриб кетди бегона ўтлар.
Ялпиз ҳидин уфурганда ариқлар ғошн,
Саҳоватин аямади ҳамал қуёши.
«Пўлат от»лар силаб-сийлаб қучиб ўтдилар,
Кейин жавзо қуёшини қониб ютдилар.
Энди қора булутлар йўқ, йўқ энди ёғин,
Саратонда шарбат суви босди чанқоғин.
Асад ойи насимлари бир малҳам бўлди,
Ғарқ гуллади, шира боғлаб, шарбатга тўлди.
Бўйи етган қизлар каби энди ғўзалар,
Елкасида олтин тўла кўсак — кўзалар.
Еритгудай ҳатто ялдо тунлар қаърини,
Очиб, баланд кўтардилар «сандиқ»ларини.
Бу «сандиқ»лар очилишин бободеҳқон халқ
Кутар эди кутган каби бахтини илҳақ.
Чунки улар очилганда тунлар оқ бўлар,
Обрў юксак, пешоналар ярқироқ бўлар.
Чунки унда дарёларнинг шашти мужассам,
Чунки унда узоқ меҳнат гаштн мужассам.
Чунки унда — пахтакор эл қалбининг қўри,
Чунки унда — шоир завқи, олим шуури.
Унда офтоб шуъласининг айни авжи бор,
Дарёларнинг долғалари, Чирчиқ мавжи бор.
Ўз сўзли эр юрагининг тафти бор унда,
Ўзбекистон дийрининг бахти бор унда.
Унда — қизлар муҳаббати, чоллар ҳаваси,
Тўкин ҳаёт эзгулиги, ҳамма-ҳаммаси.
Ўз мағзини, ўз вазнини унга бахш этмиш,
Ўз рангини, ўз рамзини унга нақш этмиш.
Шу боисдан толалари нурдай ялтироқ,
Шу боисдан унинг ранги тонглардан ҳам оқ!
Ҳа, тонглардан оқроқ ҳосил эгатларда жам,
Ана энди манзил яқин — бир марраси кам.
Шу маррага боғлиқ фақат ваъда вафоси,
Ахир шундай айниб турса кузининг ҳавоси —
Шунча меҳнат, шунча заҳмат кетарми зое?!!
Аммо чайир Ўзбекистон аҳли фидойи!
Алп Тошкент ҳам шу фидойи элнинг ўғли-да,
Тағин илдам босаверди — ишонч дилида,
На оромни, на чарчоқни олди ёдига,
«Ҳай-ё, ҳайт» деб қамчи босди суръат отига.
Жўяклларга чўкиб Тошкент тонглардан бурун,
Довонлардан ошаверди тинмай кунба-кун.
Чойхона-ю, ошхоналар шийпонга кўчди,
Санъат аҳлин куй-қушиғи далани қучди.
Бир-бирига устод бўлди раҳбару ишчи,
Бир-бирнга мадад бўлди катта-ю кичик.
Мадад бўлди илму олим, шеъру шуаро,
Ялакат бир алп пахтакор бўлдинг юрт аро!
Не имкон бор, не тадбир бор — ишга солинди,
Ҳар ўлчоғлик вақту меҳнат — хатга олинди,
Мусобақа посонгиси беролмади дош,
Ғолиб бўлди қанча алпу қанча қаламқош.
Не суворий, не чеварлар синалди-қолди,
Ҳей, Тошкентим, ҳимматингдан эл-юрт қувонди!
Мана шундоқ довқур бўлиб етдинг маррага,
Қўни-қўнжинг зарга тўлиб етдинг маррага.
Хирмонларинг қучоғингдан тошa кўринди,
Баланд-баланд тоғларингдан оша кўринди!
Ҳа, зафарнинг зафарларга улашиб кетди,
Ўзбекистон тўйларига туташиб кетди.
Сен ўлкамнинг белбоғида шафақ алвони,
Ҳосил тўйин тезлаштирган битта полвони!
Ҳа, алп мисол улкан одим отдинг, Тошкентим,
Аҳдга вафо нашъасини тотдинг, Тошкентим.
Ватан бўйлаб тараларкан бу қутлуғ хабар,
Қутлаш учун сўз тополмас дўсту-биродар.
Биз ҳам дилдан офариклар айтдик минг бора,
Ҳей, тошкентлик пахтакорлар, зафар муборак!

Абдулла ШЕР,
Эргаш МУҲАММАД,
Сулаймон РАҲМОН,
ОТАЁР,
Тилак ЖЎРА.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛДИК

СОВХОЗИМИЗ пахтакорлари мавсум бошида социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришдан ташқари ҳам арзон, ҳам сифатли «оқ олтин» етказишга азму қарор қилган эдилар. Буғзинг учун йил бўйи ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилдилар. Аҳиллик, уюшқоқлик натижасида табиий қийинчиликларни мардонаворлик билан енгдик.

Агротехник тадбирлар қулай муддатларда сифатли ўтказилганлиги туфайли пахтани бошқа хўжаликларга нисбатан бир мунча барвақтроқ етилтиришга эришдик. Инжим-терим ҳам мўлжалдагидан анча илгари уюшқоқлик билан бошланди. Натижада мавжуд 2310 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,8 центнердан ҳосил етиштириб олиниб, қабул пунктларига 6650 тонна пахта топширилди ва халқ хўжалик планн районда биринчилар қатори бажарилди.

Дастлабки муваффақият совхозимиз ишчиларини янги марраларни эгаллашга руҳлантириб юборди. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, она Ватанга яна 900 тонна пахта топшириш ва умумий хирмонни 7550 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Республика партия ҳукуматининг янги зафарларга чорловчи Мурожаатидан сўнг пахтазорларда меҳнат яна қизғин тус олди. Натижада юксак социалистик мажбурият ҳам муваффақиятли бажарилди. Ҳосилдорлик қарийб 34 центнерни ташкил этди. Бу районимиз шароитида катта кўрсаткичдир, албатта.

Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам бу йил фидокорона меҳнат қилдилар ва ҳосилдорликни 50 центнерга етказиб, хўжалигимиз ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар.

В. ТЎХТАБОЕВ,
Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

ТУРСУНБОЙ Камолов кўп йиллардан бери механизаторлик касбини улуғлаб келади. Касбга меҳр унга шон-шуҳрат келтирая пти. Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози пахтакорлари бу тажрибали механизатор номини ҳурмат билан тилга олишади. Т. Камолов бу йилги мавсумда ўзига муносиб шогирд тайёрлади. Ўғли Эргаш Камолов мавсумда 70 тонна пахта терди. Отаси эса пўлат этаклардан 130 тонна оқ олтин терди. Суратда: ота-бола механизаторларни кўриб турибсиз. О. Қозоқбоев фотоси.

ҚАҲРАМОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ



Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг июль, ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларидан руҳланиб, янги-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритишяпти. Деҳқонларимиз ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилини катта ғалабалар билан якунлашмоқда. Зарбдор йил қишлоқ хўжалик ходимлари учун, хусусан пахтакорлар учун катта меҳнат синови йили бўлди. Пахтакорларимиз йилнинг катта синовидан муваффақиятли ўтдилар.

Ўтган йилданоқ зарбдор йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўрдик. Экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тартибга солиш ишлари сифатли бажарилди. 733 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшиладик, 270 гектар пахта майдони капитал тикланди.

Кўкламги экиш мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Барча хўжаликларда чигит тез ва соз экиб олинди.

Бироқ, баҳорнинг ноқулай келиши, ёғингарчиликнинг меъёридан кўп бўлганлиги пахтакорларимизни бир қанча қийинчиликлар билан юзма-юз қўйди. Табиий қийинчиликларни мардонавор енгишга одатланиб қолган пахтакорларимиз майдонларда белгиланган миқдордаги кўчат сақлаб қолиш учун барча зарурий чораларни амалга оширдилар. Кўпгина ерларга қайтадан чигит экилди. Бу қийинчиликлар деҳқонларимизни саросимага туширмади, аксинча, улар янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар.

Ғўза парвариши даврида Оҳунбобоев номли колхоз пахтакорлари ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Улар ғўза парваришида «90 зарбдор кун» эълон қилишди.

Инжим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик. Ҳар бир хўжаликда бу долзарб мавсумни тез ва сифатли ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Ишни ипатоводиклар методи асосида ташкил қилган механизаторлар 32 та терим-транспорт отряди туздилар. Бу отрядларга 158 та пахта териш машинаси бириктирилди. Ҳар бир машинанинг юксак унум билан ишлашини таъминлади.

Бугунги кунда шуни қувонч билан айта оламизки, районимизнинг лабзи ҳалол пахтакорлари она-Ватан хирмонига 33 минг 600 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Ҳар гектар майдондан олинган пахта ҳосили ўртача 36,5 центнерни ташкил этмоқда. Бу область районлари ичидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда дала гвардиячилари алоҳида намуна кўрсатишди. Улар ялпи ҳосилнинг 87 процентини «зангори кема» бункерларидан тўкишди.

Механик-ҳайдовчилар социалистик мусобақасида Киров номли колхознинг машҳур бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Оҳунова карвонбошилик қилаётир. У бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ҳам терим агрегатини юксак унум билан ишлатиш намунасини кўрсатди. Машҳур механизатор мавсумда ўз агрегати бункеридан 459 тонна «оқ олтин» тўкди. Илғор механизатордан ўрнак олиб, меҳнат қилган Оҳунбобоев номли колхоздан И. Жўраев, П. Мирсоатов, К. Маркс номли колхоздан Т. Абдураҳмонов, Навоий номли колхоздан Ж. Соипбоев каби дала гвардиячилари ҳам ўз агрегатларини юксак унум билан ишлатиб, шу кунгача ялпи экин майдонининг 50 процентдан ошиқроғини сифатли шудгорлаб қўйдик.

Зарбдор йилни муваффақиятли якунлаётган районимиз меҳнаткашлари келгуси йилда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун зарур бўлган барча тадбирий чораларни бекаму-кўст амалга оширмоқдалар.

К. Б. МАМЕДОВ,
Ўзбекистон КП Чиноз район комитетининг биринчи секретари.

ТУҲФА

БЎКА районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари пойтахт области меҳнаткашларининг улкан зафарига ажойиб туҳфа билан ўз улушларини қўшдилар. Об-ҳаво қийинчиликларини тадбиркорлик билан мардонавор енгган хўжалик заршуносларя давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик билан адо этишди.

1070 гектар ерда деҳқончилик қилган колхоз аъзолари йиғим-теримни ҳам намуналя уюштириб, барча куч ва имкониятларни, мавжуд техника воситаларини тўла сафарбар этдилар. Кунлик суръатнинг мунтазам юқори бўлишини таъминлаш мақсадида социалистик мусобақанинг таъсирчан формаларидан фойдаланилди. Натижада механик ҳайдовчилар ва чевар теримчилар ўртасида меҳнат беллашуви қизғин тус олди. Айниқса, Ж. Эргашев, Н. Муҳаддинов сингари моҳир механизаторлар терлмда жасорат кўрсатдилар. Шу кунгача давлатга сотилган қарийб 3 минг тонна «оқ олтин»нинг асосий қисмини «зангори кема» капитанлари терлб бердилар.

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари бу йил чинакамига катта синовдан ўтдилар. Табиат ҳеч қачон бу йилгидек деҳқонлар иродаси, матонати ва жасоратини астойдил синаб кўрмаган эди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, бизнинг районимизда дўл ва жала ҳаддан ташқари кўп ёғди. Айрим карталарга тўрт-беш марталаб қайта чигит экишга тўғри келди. Ғўзаларни текис ундириб, авж олдириб юборгунча, кечаю-кундуз тинимсиз меҳнат қилинди.

СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган зарбдор йилни ҳар қачонгидан ҳам юксак кўрсаткичлар билан якунлашга астойдил бел боғлаган колхозчиларимиз табиий қийинчиликлардан тушкунликка учрамай, аниқ мақсад сари дадил интилдилар. Мураккаб шароитда ҳар бир агротехник тадбирни қулай пайтда маромида ўтказишга ҳаракат қилинди.

Биз кўпроқ механизаторлар маҳоратига, уларнинг фидокорона меҳнатига умид боғладик. Бундан ташқари бу йилги шароитда сувчилар ҳам ҳосил тақдирини ҳал этишда асосий куч бўлиб қолдилар. Шунинг учун ҳам улар бутун вегитация даврида дала гвардиячилари билан узвий алоқада бўлиб, ҳар бир тадбирни бамаслаҳат ўтказдилар.

Ҳосилга ҳосил қўшиш даврининг дастлабки босқичи ҳисобланган июль ойида КПСС Марказий Комитети Пленумининг муҳим тарихий қарорлари эълон қилинганлиги катта воқеа бўлди. Чунки, жонажон партиямизнинг деҳқонларга нисбатан доимий ғамхўрлиги ва оқилона кўрсатиб бераётган йўл йўриқлари пахтакорларимизнинг руҳини кўтариб юборди. Партия режалари — халқ режалари эканлигини яхши тушунган колхозимиз аъзолари пахтазорни чинакам жасорат майдонига айлантирдилар. Зарбдор меҳнат дастлабки чаноқлар лўппи бўлиб очилгунга қадар қизғин давом эттирилди.

Барака ҳаракатда, деганларидек эрта баҳордан бери тер тўкиб қилинган меҳнат кутилганидан ҳам қувончли самаралар берди. Колхозчиларимиз 1150 гектар майдондан қисқа вақт ичида 3725 тонна дурдона йиғиштириб олишиб, районимизда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини бажаришга эришдилар.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, давлатга сотилган жами пахтанинг 3300 тоннаси зангори кема бункерларидан тўкилди. Бу колхоз партия ташкилотининг техника воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида механик-ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақани кенг авж олдиришга катта аҳамият берганлигини кўрсатади, албатта. Дарҳақиқат, ўзаро меҳнат беллашуви ҳамма бригадалар, механизаторлар ва чевар теримчилар ўртасида қизғин тус олди. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантирилиб турилди. Натижада бир неча кун давомида кунлик суръат йиллик планнинг 8—9 процентн миқдорида бўлди.

Йиғим-теримнинг айни долзарб кунларида моҳир механик-ҳайдовчилардан Тошпўлат Сингарбоев, Дўйсебек Жунусбоев, Камол Рисқулов ва Тўрахон Ражабовлар ўз агрегатларини юқори унум билан ишлатиб, «пўлат этак»лардан мавсум давомида 140—160 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. Уларнинг ғайрат-шижоатлари билан машина терими плани анча ортиғи билан бажарилди ва миллион сўмдан зиёд иқтисодий фойда кўрилди.

Хўжалигимиздаги мавжуд ўнта бригада коллективининг деярли ҳаммаси умумий ютуққа салмоқли улуш қўшдилар. Айниқса, Қўбек Холменов бошлиқ бригада аъзаматлари ғайрат кўрсатишдилар. 101 гектар майдондан 395 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб, халқ хўжалик планини 123 процентга бажардилар. Ҳосилнинг 92 проценти зангори кемалар билан териб олинди.

Шу бригада билан мусобақадош бўлган Шарифбой Эсонбоев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам ҳар гектар майдондан 38 центнер ҳосил кўтариб, халқ хўжалик планларини анча ортиғи билан адо этдилар.

Холдор Усмонов раҳбарлик қилган бригада аъзоларининг бу йилги ютуғи, айниқса, диққатга сазовордир. Чунки, Х. Усмоновга эрта баҳорда катта ишонч билдириб, қолоқ бригадалардан бирига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган эди. Еш коммунист колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ишончини тўла оқлади. Унинг ташкилотчилиги Мичурин номли ва Жамбул номли мактабларнинг ёш ўғил-қизларидан жуда миннатдормиз. Улар мавсумда 650 тонна пахта териб бериб, хирмонимизга салмоқли ҳисса қўшдилар. Колхозчиларимиз Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли 36-ўрта мактаб, Ғафур Ғулом номли 38-ўрта мактаб ўқувчилари ҳимматидан ҳам мамнун бўлдилар. Улар 150—200 тоннадан пахта териб беришди. Шуниигдек, биз йўл қурилиш-ремонт ишлари бошқармаси коллективи ва сув хўжалиги ходимларига чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз. Улар ҳам колхозчиларимиз учун оғир бўлган мураккаб шароитларда сидқидилдан ёрдам кўрсатдилар.

Бу йил ҳар соҳада тежамкорлик билан иш юритганимиз ва, айниқса, техникадан самарали фойдаланганлигимиз туфайли етиштирилган пахтанинг таннархи арзонлашиб, колхозчиларнинг даромади ошди. Масалан, ўтган хўжалик йилида колхозчиларнинг бир иш кунига 5 сўм 22 тийиндан пул тарқатилган бўлса, бу йил бош бухгалтеримиз Абдужалил Исоқбоев ва бош иқтисодчимиз Болатой Содиқовларнинг ҳисобларига кўра бир иш кунига 5 сўм 52 тийиндан тўғри келаётир. Демак, механизаторларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 400—420 сўмни, сувчиларники 200—250 сўмни, оддий колхозчиларники эса 180—200 сўмни ташкил этади.

Айни кунларда районимиздаги ҳамма хўжаликларда давлатга пахта топшириш қизғин давом этмоқда. Шу жумладан колхозимиз аъзолари ҳам планни аллақачон бажарган бўлсаларда, даладаги ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш учун курашни давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга биз келгуси йилда ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун пухта замин ҳозирлаш тадбирларини белгиламоқдамиз.

М. ЖУМАНОВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

БАРАКА — ҲАРАКАТДА

КАСБГА САДОҚАТ

Азим ака асли пахтакор. Унинг суяги пахтада қотган. Шу касби туфайли у эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топди, кўпчиликка танилди. Унинг кўксида қатор орденлар билан бирга Олтин Юлдуз порлаб турибди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Азим Эрматов Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозда ҳамон ўз касбини ардоқлаб келаётир. Бу бошчилик қилаётган участкага 347 гектар пахта майдони бириктирилган. Пахтакорлар бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. «Оқ олтин» ҳосили тез ва соз йиғиштириб олиниб, йиллик план анча ортиғи билан бажарилди. Эргаш Султонов, Ўроз Тоғаев етакчилик қилаётган бригадаларда, айниқса, ҳосил мўл бўлди.

— Участкамизда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми терим машиналари агрегатидан тўкилди. Йиғим-терим ишларини конвейер усулида ташкил қилганлигимиз эришилган ютуқнинг бош омили саналмоқда. Илғор механик ҳайдовчилар Бўри Шорахмедов, Маҳамад Меҳриев, Ҳайдар Алимовларнинг терган пахтасини механизаторлар Ниъмат Эрматов, Раҳим Рисқуловлар пешма-пеш дала бошидан қабул пунктларига етказиб бердилар. Авжи долзарб кунларяда йиллик планнинг 5—6 процентн миқдорида пахта тайёрладик, — дейди участка бошлиғи.

Дарҳақиқат, пахтакорларнинг техника имкониятларига кенг суянганликлари ҳар томонлама қўл келяпти. Далаларда 7 та зангори кема юксак унум билан ишлаб турди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 130 тоннадан пахта терилди.

Айни кунларда механик ҳайдовчилар ўз «зангори кема»ларини ҳайдов тракторларига алмаштирганлар Ҳосилдан бўшаган далалар пешма-пеш шудгор қилиниб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирланаётир.

Ш. РАҲМАТОВ.

МАРДЛИК БИЛАН ЯРАТГАН УЛКАН ХИРМОНИНГГА!

ЧИНОЗ районидаги «Москва» колхози механизаторлари бугунги кунда зангори кемаларини ҳайдов тракторларига алмаштирдилар. Хўжаликда келгуси йил ҳосили учун замин яратиш ишлари бошлаб юборилди. Шу кунларда ака-ука механизаторлар Мираҳмад ва Мингай Мустафоевлар кунига 12—13 гектар майдонни шудгорлаб ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилмоқдалар.



«МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ»

«Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Турсуной Охуновага

Ҳурматли ТУРСУНОЙ!

...СИЗ машиналардан гоят унумли фойдаланиш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти, деб тўғри қайд қилгансиз. Машина терими пахта далаларида актив қўлланилаётганлиги ва пахтакорларнинг оғир меҳнати тобора енгиллашиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир... Сизнинг ташаббусингизни барча колхоз ва совхозлар, барча бригадалар, ҳамма пахтакорларнинг қўллаб-қувватлашига аминман...».

Л. БРЕЖНЕВ.

ГАПНИНГ сирасини айтганда жаҳоннинг буюк сиёсий ва давлат арбоби назарига тушиш, ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Киши номини бир умр шон-шуҳратга буркайдиган бундай мактубга яраша эл-юрт, она — Ватан равнақи йўлида буюк ўзгаришлар ярата олиш керак бўлади. Қийинчиликлардан қўрқмайдиган, тинимсиз изланишлардан зерикмайдиган, иродали, матонатли, чинакам фидойи кишиларгина бундай бахтга эриша оладилар. Чунки, бундай кишилар учун «шахсий манфаат», «шахсий бахт» каби тушунчалар мутлақо ёт. Халқнинг бахт-саодати, Ватан равнақи йўлида фидойилик — улар учун олий бурч.

Бугунги кунда ҳаммамиз учун ҳам қадрли, ҳам фахрли инсон бўлиб қолган Турсуной Охунова бор кучи ва билими, қолаверса, бутун ҳаётини жонажон республикамиз ва халқимизнинг ифтихори бўлган пахтачиликни ривожлантиришга бахш этган ана шундай кишилардан биридир. Унинг пахтачиликни комплекс механизациялаштириш соҳасида эришилган ютуқларга қўшган ҳиссаси, айниқса беқиёсдир. Узининг машаққатли, аммо шонли меҳнат фаолияти давомида пахта етиштиришни бир маромда кўпайтириб бориш, ҳосилдорликни ошириш, таннарҳни арзонлаштириш имкониний берувчи комплекс механизациялашган бригадаларни ижод этди. Техника жиловидан маҳкам тутиб, деҳконнинг измига бўйсундириш, шу йўл билан уларни оғир қул меҳнатидан халос этишда хотин-қизлар ҳам эркаклардан қолишмаслигини шахсий намунаси билан тўла исбот қилиб берди. Юзлаб ўзбек аёлларининг техникани эгаллаш сари ишонч билан юриш бошлашларига катта далда бўлди.

Машҳур пахтакор, донгдор механизатор Турсуной Охуновани шу йил кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Муваффақият сирлари» китобчасини ўқиб чиққан киши авторнинг ибратли меҳнат йўли билан чуқур танишади ва комплекс механизациялашган пахтачилик бригадаларининг афзалликлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади.

Турсуной Охунова учун кундалик ҳаётида турли соҳа кишилари, хорижий меҳмонлар билан мулоқатда бўлишга, катта-катта йиғинларда тез-тез иштирок этишга, шунингдек, учун ҳам «Нега механизатор бўлгансиз, бундай машаққатли йўлни танлашингизга нима сабаб бўлган?», — деган саволга қайта-қайта жавоб беришга тўғри келди. Бундай ҳолларда у кўпинча лўнда қилиб: «Кимнинг қаерда зарурроқ эканлигини турмушнинг ўзи кўрсатиб туради», — деб қўя қолади. Китобчада эса авторга шон-шуҳрат келтирган барча омиллар батафсил баён этилган.

Ёш Турсунойнинг қайноқ қалбидаги механизацияга ҳавас, иштиёқ, аввало, пахта меҳридан бошланган: дастлаб эшитган, тили чиқиб гапира бошлаган биринчи сўзи «нон» бўлса, иккинчиси «пахта» бўлган. «Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, чунки уйимизда «нон» дейиш қанчалик кўп ишлатилса, бу сўз ҳам шунча кўп тилга олинар эди».

Ота-онаси эрта баҳордан кеч кузгача кўп вақтларини пахтазорда ўтказишар, уйда дастурхон устида ҳам пахта хусусида меҳр билан гапирар эдилар. «Шунинг учун ҳам бирон грамм пахта термай туриб, бирон марта кетмон урмай туриб, пахта экиб, пахта терадиган деҳқон бўлажагимни, шу менинг тақдирим эканлигини ҳис қилганман. Ҳатто ўйинларимиз ҳам пахтага боғлиқ эди. Ўртоқларим билан ўйнаган ўйинларимизда ҳам пахта ҳосилини ошириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, пахтани қайта ишлаш, ундан ип-газлама тайёрлаш, кийим-кечак тикиш, ҳатто пахта ёғини ишлатиш ҳақида гапирардик. Ўйинларимиз ҳам шундай эди:

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БОЛГАР ҚИШЛОҒИНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЕТТИНЧИ беш йилликда (1976—1980 йиллар) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ягона плани ҳақидаги Қонунда қишлоқ хўжалигига алоҳида аҳамият берилган.

Болгария Халқ Кенгаши қабул қилган ана шу Қонунда экономиканинг бу соҳаси озиқ-овқат товарлари ва хомашё ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш асосида самарадорлик ва маҳсулот сифатини ошира бориш кўзда тутилган.

Шу беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик ва маҳсулотининг ялпи ҳажмини ўтган беш йилликдагига нисбатан салкам 20 процент, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини эса 40 процент ошириш кўзда тутилади. Кейинги йилларда мамлакатда аграр-саноат комплекслари бунёд этилди. Бу — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги формаси. Бундай комплекслар хўжаликлараро кооперациялаш ҳамда соҳаларни ихтисослаш асосида ташкил этилмоқда. Ана шундай миллий аграр-саноат комплексларини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар мамлакат бўйича 5 миллиард левдан зиёд бўлади. Еттинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан интенсив ривожлантириш, уни янада марказлаштириш ва иқтисослаш йўли билан амалга оширилади.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш мамлакат олдида турган вазифалардан биридир. Бу вазифани бажариш учун кўплаб юқори сифатли ем-хашак тайёрлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш талаб қилинади. Юқорида тилга олинган аграр-саноат комплекслари молларнинг энг самарадор зотларига, кўплаб машиналар ҳамда қурилмаларга эга. Аралаш озуқаларни ишлаб чиқариш айниқса яхши йўлга қўйилмоқда.

1980 йилда мамлакатда гўшт истеъмол қилиш 1975 йилга нисбатан 23 процент, сут истеъмоли — 26, тухум истеъмоли — 38, мева ва сабзавот истеъмоли — 60—61 процент юқори бўлади.

Болгарияда деҳқончилик ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилади. Бунда дон етиштиришни кўпайтириш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган. Шунингдек, маккажўхори ва нўхотли экинлар экиладиган суғориладиган майдонларни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга буғдой ва сулининг энг кўп ҳосил берадиган янги навларини экиш жорий этилади, кенг баргли навларни кўпайтириш ҳисобига тамаки, қанд лавлаги, кунгабоқар тайёрлашни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Еттинчи беш йиллик мобайнида чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга янгича ёндошиш негизида амалга оширилади. Аграр-саноат комплексларида машиналар ва технология линияларининг шундай системаларидан фойдаланадики, улар аста-секин бутун ишлаб чиқариш жараёнини тайёр маҳсулот олингунга қадар қамраб олади.

Болгария Халқ Республикасида узумчилик ва виночилик халқ хўжалигининг йирик соҳаларига айланди. Узум етиштиришни кўпайтириш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган. Шунингдек, маккажўхори ва нўхотли экинлар экиладиган суғориладиган майдонларни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга буғдой ва сулининг энг кўп ҳосил берадиган янги навларини экиш жорий этилади, кенг баргли навларни кўпайтириш ҳисобига тамаки, қанд лавлаги, кунгабоқар тайёрлашни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Еттинчи беш йиллик мобайнида чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга янгича ёндошиш негизида амалга оширилади. Аграр-саноат комплексларида машиналар ва технология линияларининг шундай системаларидан фойдаланадики, улар аста-секин бутун ишлаб чиқариш жараёнини тайёр маҳсулот олингунга қадар қамраб олади.

Болгария Халқ Республикасида узумчилик ва виночилик халқ хўжалигининг йирик соҳаларига айланди. Узум етиштиришни кўпайтириш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган. Шунингдек, маккажўхори ва нўхотли экинлар экиладиган суғориладиган майдонларни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга буғдой ва сулининг энг кўп ҳосил берадиган янги навларини экиш жорий этилади, кенг баргли навларни кўпайтириш ҳисобига тамаки, қанд лавлаги, кунгабоқар тайёрлашни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАРШАВА. Польшада умумаҳолини рўйхатга олиш бошланди. Бу тадбир планлаштирилган муддатидан икки йил олдин ўтказилмоқда.

Аҳолининг сони, турар-жойларнинг ҳажми ҳамда аҳволи, ишлайдиган гражданлар, кўчиш жараёнлари тўғрисидаги комплекс статистик маълумотлар 1981—1985 йилларда Польша Халқ Республикасини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини янада пухта ишлаб чиқишга имкон беради.

КАНБЕРРА. Кеча 1300 дан кўп полициячилар Брисбенда гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун намойишга чиққан кишиларга ҳужум қилдилар. 350 га яқин киши қамоққа олинди, ўнлаб намойишчилар жароҳатландилар.

Квинсленд штатида маъмурият нинг меҳнаткашлар намойишларини тақиқлаш ҳақидаги қонунларига қарши кураш икки йилдан бери давом этмоқда. Бугун намойишда фақат Квинсленддаги гражданлик ҳуқуқлари учун курашчиларгина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг бошқа районларидаги маслакдошлари ҳам қатнашдилар.

Брисбеннинг марказий майдонида бўлиб ўтган уч минг кишилик митингда касаба союз арбоблари, лейбористлар, сиёсий ва жамоат арбоблари бор эдилар. Бугун штатнинг бошқа бир қанча шаҳарларида антидемократик қонунга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

(ТАСС, 8 декабрь).

Спорт

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР

УЕФА кубоги мусобақаси қатнашчилари ўтган чоршанба куни Европанинг бошқа икки турнири — Кубок эгалари кубоги ва чемпионлар кубоги қатнашчилари синглари ним чорак финал ўйинларини тугатдилар.

Ғарбий Берлиннинг «Герта», Венгриянинг «Гонвед», Англиянинг «Вест Бромвич», ГФРнинг «Боруссия», Чехословакиянинг «Дукла», Югославиянинг «Црвена звезда», ГФРнинг «Дуйсбург» ва Англиянинг «Манчестер Сити» клублари чорак финалга чиқишди. Чехословакиянинг «Дукла» футболчилари Германия Федератив Республикасида «Штутгарт» командаси билан бўлган биринчи ўйинда 1:4 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлишига қарамай такрор учрашувда 4:0 ҳисобида устун келди ва чорак финалга йўлланма олди. Венгриянинг «Гонвед» клуби ҳам Амстердамда «Аякс» клубидан 0:2 ҳисобида енгилган бўлсада чемпионлар кубогини уч марта қўлга киритишга муяссар бўлган бу клубни такрор учрашувда 4:1 ҳисобида енгиб, мусобақалардан чиқариб юборди. Шундай қилиб Европанинг учта турнирида бу гал Голландиянинг бирорта клуби ҳам чорак финалга чиқа олмади.

Навбатдаги босқич ўйинлари келаси йилнинг 7 ва 23 март кунлари ўтказилади.

ГОЛИБЛАР САФИДА

Қиличбозлик бўйича СССР Қуролли Кучлари биринчиликларида мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари иштирок этишди. Улар сафида олимпиада ўйинларининг тўртта чемпиони ҳам бор эди. Рапирачиларнинг беллашувларида республикамиз вакили, халқаро классдаги спорт мастери Собир Рўзиев ҳам иштирок этди. У СССРнинг икки марта чемпиони киевлик В. Смирновга ютқазиб қўйиб, иккинчи ўринни эгаллади.

СЎНГГИ ТАРАДДУД

Яна бир ярим ҳафтадан кейин волейбол бўйича олий лига қатнашчилари янги мавсум ўйинларини бошлаб юборишади. Командалар чемпионатга тараддудини ниҳоясига етказишмоқда. Кейинги йилларда чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатаётган Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчиларини мухлислар кучли учлик сафида кўришни истайдилар. Команда ҳам бу йил ўз олдига ана шу вазифани мақсад қилиб қўйган. Куни кеча Ленинградда А. Баришников соврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида иштирок этган олий лига вакилларининг устозлари ўз ўйинчиларининг маҳоратини яна бир бор текшириб олдилар.

Бутуниттифоқ турнирида қатнашган «Автомобилист» волейболчилари олтинчи ўринни эгаллашди. Лекин бу натижа командамизни ҳам, мухлисларни ҳам қаноатлантирмайди. Тошкентликлар сафида турли сабабларга кўра етакчи ўйинчиларимиздан Шафенкова, Панара, Луннна, Беловалар иштирок этишмади.

19 декабрда Тошкентда бошланадиган олий лига қатнашчиларининг биринчи давра биринчи тур ўйинларини мухлислар сабрсизлик билан кутишмоқда. Агар аёллар командалари мавсумни бошлаш арафасида туришган бўлса, биринчи лигада қатнашаётган эркаклар командалари чемпионатнинг бешдан учрашувини тугатишди. 16 команда икки группага бўлиниб, дастлабки тур ўйинларини Грозний шаҳрида ўтказишмоқда. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари уч ўйинда голиб келишганлигини хабар қилган эдик. Ҳамшаҳарларимиз кейинги турда Свердловскнинг «Энергомаш» командаси билан учрашиб, бунда ҳам 3:2 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Абрам Ефимович ХОДОРКОВСКИЙ

Узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1945 йилдан буён КПСС аъзоси, Тошкент области бўйича Давлат ҳавфсизлик комитети бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Абрам Ефимович Ходорковский 53 ёшида вафот этди.

А. Е. Ходорковский 1926 йилда Киев шаҳрида туғилди. 1942 йилда у Душанба шаҳридаги артиллерия мактабига ўқишга кирди, сўнгра Рязань артиллерия билим юртида ўқишини давом эттирди. Ундан кейин СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилди.

1947 йилдан бошлаб токи ҳаётининг сўнгги кунларигача А. Е. Ходорковский давлат ҳавфсизлик органларида хизмат қилиб келди. Партия А. Е. Ходорковскийни қаерга ишга юбормасин ҳамма жойда у ўзининг билими, тажрибаси, куч ва ғайратини ўзига топширилган ишнинг самарали бўлишига қаратди.

У ўз ҳаётини Ватанга, Коммунистик партияга садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. Ғоявий принципиаллик, ўз-ўзига талабчанлик, ўртоқларига эътиборлилик Абрам Ефимовичга хос хислатлар эди.

А. Е. Ходорковскийнинг хизматлари ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган, қўмондонлик уни бир неча бор ташаккурномалар билан тақдирлаган.

Абрам Ефимович Ходорковскийнинг ёркин хотираси уни билган ва у билан ишлаган барча кишиларнинг қалбида доимо сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЭРОНДАГИ ИЧКИ СИЁСИЙ ТАНГЛИК

ТЕҲРОН. 7 декабрь. (ТАСС). Эрон парламентининг юқори палатаси махсус мажлис ўтказиб, мамлакатда авж олаётган қаттиқ сиёсий тангликни муҳокама қилди. Бир қанча сенаторлар Эронда бўлаётган ҳукуматга қарши намойишларнинг қатнашчиларига нисбатан маъмурлар кўраётган жазо чораларини қаттиқ танқид қилганлар.

Жумладан, сенатор Наини Эрондаги ҳозирги қийинчиликлар мутлақо сиёсий характерда бўлиб, бунга маъмурлар айбдордирлар, деди. Кейинги йилларда Эроннинг муаммолари нималардан иборат эканлиги билан бирорта ҳам бош министр тузукмина қизиқмади, деди у.

Сенатор ҳукумат жазо чораларидан воз кечишини талаб қилди. Ҳукумат шундай қилишга қодир эмас экан, у ҳолда кабинетнинг истеъфога чиқиб кетиши лозим, ўшанда «халқ ҳукумати» тузилиб, «бир шахс ҳокимияти ўрнига ҳақиқий қонуний ҳокимият келган бўлур эди», деб таъкидлади Наини. Парламент юқори палатаси бошқа аъзоларининг нутқларида ҳам мамлакатда граждалар бошқаруви шаклини тиклаш талаблари қўйилди.

Ҳарбий ҳукумат бошлиғи генерал Азҳари мунозараларни якунлаб, Эрондаги ички сиёсий вазият ғоятда кескинлашганлигига «ғаввогар» озчиликнинг хатти-ҳаракатларини сабаб қилиб кўрсатмоқчи бўлди ва ҳукумат ўзига қарши чиқишларни куч билан бостириш йўлини давом эттираверади, деб ўқтирди. Эрон пойтахти ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи генерал Увайсий Теҳрон радиоси орқали гапириб, халқ ғалаёнларининг қатнашчиларидан бундан буён ҳам ўч олаверамиз, деб дўқ қилди.

Мана шу пўписаларга қарамай, мамлакатда ҳукуматга қарши чиқишлар тинмаётир. Теҳрон бозори районида бўлиб ўтган студентларнинг кўп кишилик намойишида ҳукуматга ва шоҳга қарши шиорлар янграб турди. Ўлдирилган намойишчилар дафн этилаётган мозорлардан бирида мотам митинги бўлиб ўтди ва бу митинг қатнашчилари ўз ўртоқларининг ҳалокати учун ўч олишга ҳамда режимга қарши курашни кучайтиришга қасамёд қилдилар.

Маъмурлар ҳукуматга қарши чиқишлар тобини бўшаштириш ва мамлакатда зўрайиб бораётган норозиликларни чеклаш ниятида оппозициядаги миллий фронт раҳбарлари Санжоби билан Форуҳарни озод қилдилар. Ўлар бундан бир ойча муқаддам «конституцияга қарши фаолиятда» айбланиб, қамоққа олингандилар.

НЬЮ-ЙОРК. 7 декабрь. (ТАСС). ЮПИ агентлиги мухбири хабар беришича, яқин кунларда вазиятнинг яна кескинлашуви кутилаётганлиги муносабати билан Эронда ишлаётган Америка компаниялари ўз ходимлари орасидаги Америка граждалларини кўчириш тўғрисида фармойиш берди. Кеча Теҳрондан самолётларда бир неча юз америкалик жўнаб кетди. Мухбир мамлакатда америкага қарши кайфият «ғоятда кучли», деб ёзади.

Эроннинг асосий нефть конлари жойлашган районлардан олинган хабарларга кўра, нефтчилар забастовкаси ҳамон давом этаётганлиги сабабли кон қазиш ишлари тўхтаб қолган. АП агентлиги нефть қазиш даражаси кунига нормадаги 6 миллион баррелга нисбатан 2,8 миллион баррелга камайганлигини кўрсатади.

ПАРИЖ. 7 декабрь. (ТАСС). «Монд» газетасининг хабар беришича, АҚШ миллий хавфсизлик кенгаши «Марказий Разведка Бошқармасидан ва Теҳрондаги Америка дипломатларидан олинаётган маълумотлардан ғоятда норози бўлиб», ҳозирги Эрон проблемалари билан шуғулланувчи бир неча университет профессорларини ўша ёққа юборган.



ЎРТОҚ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ҳамда «Қўриқ» хотиралари, унинг қисқача таржимаи ҳоли жаҳоннинг турли мамлакатларида ўнлаб тилларда оммавий нусхада нашр қилинмоқда, улар илғор жамоатчиликнинг кенг эътиборини жалб этмоқда. Бу китоблар совет халқининг Улуғ Октябрдан кейинги ўтган қисқа бир давр ичида эришган оламшумул тарихий ғалабалари ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар сифатида китобхонлар меҳрини қозонмоқда.

Бу китоблар ГФРнинг Франкфурт-Майн шаҳрида ташкил қилинган анъанавий китоб ярмаркаси томошабинларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Суратда: выставканинг совет китоблари бўлими.

А. Урбан фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ЗАМБИЯ пойтахти Лусака шаҳрида анъанавий қишлоқ хўжалик кўргазмаси ташкил қилинди. Бунда мазкур республиканинг экономика соҳасида эришган муваффақиятлари намойиш этилмоқда. Совет трактори «Владимирец» выставканн келиб кўрувчиларда зўр қизиқиш уйғотди. Замбияда синаб кўрилаётган бу трактор маҳаллий деҳқонлар танишган совет қишлоқ хўжалик техникасининг биринчи намунасидир.

В. Новиков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ХУШОВОЗ ҚУШ

БУЛБУЛ қишни Жанубий Арабистонда ўтказади. Ўзбекистонга апрель ойининг охирларида, яъни дарахтлар гуллаб, кўм-кўк яproққа бурканган вақтда учиб келади. Сентябрда қишлаш учун яна Арабистон томон йўл олади.

Булбул ўз уясини пана жойларга қуради. Уни излаб топиш жуда қийин. Уя хашак ва яproқлар билан қопланган бўлади.

●

АСАЛАРИ ОИЛАСИ

АСАЛАРИ оиласи уч хил аридан иборатдир. Булардан биринчиси «пошша ари» бўлиб, оиланинг онаси ҳисобланади. У ўз вазифасини адо этиш учун эрта баҳордан то кеч кузга қадар тўхтовсиз тухум қўйиш билан овора бўлади.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — АБВГДейка. 10.30 — Ота-оналар; сизлар учун. 11.00 — Тонгги почта. 11.30 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Здоровье. 13.15 — Оламда нима гап. 13.30 — Сиз бунга қодирсиз. 14.30 — Спортлото. 14.45 — Капитан Немонинг сирли ороли. Кўп серияли бадиий фильмнинг 3—4 сериялари. 16.30 — Кинопрограмма. 17.15 —Музикали абонемент. 18.00— Мультфильмлар программаси 18.30 — Ҳамдўстлик. 19.00 — Ўйнаб қўшиқ куйлаймиз. 19.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.15 — Ёмғирли уч кун. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Л. Толстой ҳозирги замон саҳнасида. 23.05 — Оқшом оҳанглари. 23.45 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телевизион миниатюралар театри. 10.50 —Ўзбекистон спорти. 11.20 — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъанавий куйларининг фестивали. 12.50 —Ота-оналар учун консультация. 13.20 — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъанавий куйлари фестивалининг давоми. 14.50 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Болалар учун концерт. 18.20 — Ешлик. 18.50 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Қизлар даврасн. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 —Дала ишлари кундалиги. 22.20 — Қирқ биринчи. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.15 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/XII да **Маърифат қурбонлари**, 10/XII да **Аловиддининг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/XII да **Фариблар**, 10/XII да **Тирик мурда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XII да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 10/XII да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00), **Қизил дурралн нозик ниҳолим** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/XII да **Тўй муборак, қари қиз**, 10/XII да **Беш кунлик куёв** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аренада москваликлар» янги цирк программаси** (9/XII да 16.00, 19.30, 10/XII да 12.00, 16.00, 19.30).

«СРЕДАЗЭНЕРГОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ АНГРЕН ШАҲРИДАГИ 3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган кишилардан

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларни битирганлар электргаз пайвандчи, турбина ва қозон ускуналарини монтаж қилувчи слесарь ихтисосларини эгаллаб чиқишади.

Ўқувчиларга 2 ойлик назарий машғулотлар даврида 75 сўмдан стипендия, практика даврида эса 100 процент иш ҳақи тўланади.

Бизнинг адрес: Ангрен шаҳар, Жданов кўчаси, 40-уй.

ЎЗБЕКБОЙ ЧЕКМАС ЭДИ...

БИР ҚОТИЛЛИК ИЗИДАН

Кечагина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг, ҳаво мусаффо эди. Куз қуёши илиқ заррин нурларини саҳийлик билан оламга таратади, довдарахтда илиниб қолган сўнгги япроқларга қўнган умри қисқа томчилар инжудек товланади. Яқиндагина гавжум йўлга туташ пахтазор сукунатда. Фақат енгил шабадада элас-элас кўзга ташланаётган тракторнинг босиқ овози эшитилади.

«Тақачи» қишлоғидаги ҳаёт ўз маромида боради. Аксарият, катта-ю-кичик далада. Ҳали пахтазорда озми-кўпми ҳосил бор, ғаниматдан фойдаланиб қолиш лозим.

Ана шундай бир пайтда, шу йилнинг 22 ноябрида қишлоққа ҳунук хабар тарқалди. Ўзбекбойни билган, кўрган, суҳбатида бўлган таниш-билишлар ҳайратдан ёқаларини ушлашди. Бинобарин, район ички ишлар бўлими ходимлари ҳам ташвишда қолишди, барча юмушларни ташлаб, кўнгилсиз ҳодиса рўй берган жойга ошиқдилар.

Ахлат ташланадиган ерга кетаверишда — йўл чеккасида турган трактор ҳамон патиллаб турар, кабинадан эса ҳамон қон томчиларди. Қотиллик содир бўлган жойга тумонат одам йиғилган, воқеани ҳар ким ўзича шарҳлайди, тахминлайди.

— Областга хабар қилиш лозим,— деди Бекобод район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Азизов жиноят қидирув бўлими бошлиғи Тўхтабоевга,— жиноятчи ҳеч қандай из қолдирмаган....

Милиция старший лейтенанти Соҳибназар Ғоипов саноқли соатлар ичида Бекободга етиб келди. Ёш бўлса ҳам анча тажрибали, кўпгина жиноятларни очган унчи область ички ишлар бошқармасида эътибор қозонган инспектор ишни ён-атрофни текширишдан бошлади, ўнлаб оилаларнинг эшиги тақиллатилди, шу йўлда тез-тез қатнаб турадиган шоферлар билан рўпара келинди. Аммо қалаванинг учи топилмади.

— Яна бир бор ўша жойга борайчи,— кўнглидан ўтказди группа бошлиғи Ғоипов,— ахир қотил сеҳргар эмаски, зумда кўздан ғойиб бўлса.

Олисда яқинда томи сувалган иморат кўзга ташланди. Инспектор аста шу томон йўл олди. Унинг толиққанидан, уйқусизликдан кўзлари қизарган, чеҳраси сўлғин бўлишига қарамай, бошлаган ишни охирига етказиш, жиноятни албатта очишга бўлган умиди ҳаттиҳаракатидан сезилиб турарди.

— Эшитишимча, томни яқинда суваган экансиз,— деди ўзини таништирар экан инкн оғиз сўзда инспектор,— балки трактор билан ёнма-ён ўтган бирон-бир транспортга кўзингиз тушгандир.

— Дарвоқе, кабинаси сариқ машина унинг ёнида бироз тўхтаган эди,— деди хонадон соҳиби,— биз бунга ортиқча эътибор бермаган эдик. Кейин ўша машина кескин йўналишини ўзгартиб, трактор ортидан кетди.

Сариқ кабинали машина. Бундай машиналар районда биттами? Буёғи, шаҳарга тегишли транспортлар ҳам йўлдан бот-бот ўтиб туради.

«Текширишни нимадан бошлаш керак? Борди-ю, тахмин қилиб бирон-бир ана шундай машина ҳайдовчининг қўйнига қўл солиб кўрилса қандай бўларкин? Гумон тўғри чиқса, нур устига нур. Акс ҳолдачи?! Софдил одамни бадном қилиб қўйиш, обрўсига путур етказиш мумкин». Старший лейтенант миясини пармалаётган муаммо шу эди. Лекин таваккалига иш кўрмаса ҳам бўлмайди, жазога чап берган қотил яна неча онланинг юлдузини сўндириши мумкин!

Ғоипов группа аъзолари — милиция майори Азизов, Тўхтабоев, Тегайлар билан ташландиқ жойга боришга аҳд қилди. У ерда шу куни ишлаган кишилар билан учрашиб, муддаога ўтди.

— Кабинаси сариқ машина. Бу—Цойнинг машинаси. Шаҳар коммунал хўжалигига қарашли. Владимир ҳам чиқиндиларни ташийди.

Владимир Цойни топиш группага ортиқча қийинчилик туғдирмади.

— Келиб, келиб менга тўхтадингларми?— кўзига ёш олди шофер.— Ёки пешонамга «қотил» деб ёзиб қўйилган эканми? Ишхонадан, коллективимдан, қўни-қўшнилардан суриштиринг, бировнинг бурнини қонатган кимса эканманми йўқми, биласиз...

Оператив-техника бўлими эксперти Евгений Пугачев трактор ёнида қолдирилган изларни синчковлик билан текшириб, унинг бевосита Цой машинаси қолдирганини тасдиқлади. Бинобарин, яна бир карра сариқ кабинали машина текшириб чиқилгач, учи чақланган, қўндоқли темир топилди. Гарчи қотиллик ана шу қурол орқали амалга оширилган бўлса-да, Цой тихирлик қилиб тан олмасди.

— Тўғри, йўлда учрашган эдим Ўзбекбой билан, — деди у тилёғламалик қилиб.— У мендан сигарет сўради, чекдик. Бироз гаплашиб, ҳар биримиз ўз йўлимизга кетдик.

— Қизиқ,— деди оператив группа бошлиғи, стол устидаги қоғозларни бир-бир қўлга олиб жойига қўяр экан,— чекишдик денг?

— Ҳа, «Прима»дан.

— Хм, мана қўни-қўшниларнинг берган кўрсатмаси. Биронтасида Ўзбекбой Маллаев чекарди деган гап йўқ. У сигаретни умрбод оғзига олмаган. Арзимаган баҳона — «Йўл бермадинг», деб қотилликка қўл урилибди-да...

Лоқайд чеҳра, маюслашди, олазарак кўзлар ерга қадалди, далиллар олдида қотилнинг тили калимага бормай қолди... Қотиллик оқибати нима билан тугаганн устида тўхталиб ўтирмаймиз, у ҳаммага аён.

* * *

Елиб, югуриш билан ўтган ташвишли ҳафта ортда қолди. Область ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими инспектори тушган автобус пойтахт томон йўл олди.

Я. САЛИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 | БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; | совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—07958. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, Д—2540.